ИВВ. 10
Гос. книжн. палата УзССР

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

Қишлоқ ҳақиқати

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг газетаси

ГАЗЕТА 1974 ИЙЛ 1 ЯНВАРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

20 АВГУСТ, 1982 ЙИЛ
ЖУМА
№ 189 (2.595).
Баҳоси 3 тийин.

«КАҲРАБО ДОН» БУНЁДКОРЛАРИ, САБЗАВОТКОРВА БОҒБОНЛАР!

ЙИҒИМ-ТЕРИМНИ ТОБОРА ҚИЗҒИН ТУС ОЛДИРАЙЛИК ⊙ ХЎЖАЛИКЛАРДАГИ МАВЖУД БАРЧА КОМБАЙНЛАРНИ ИШГА СОЛАЙЛИК, ҲАММА ЖОЙДА ЎРИМ-ЙИҒИМНИ ТЕЗРОҚ ТУГАЛЛАЙЛИК ⊙ ЕТИШТИРИЛГАН БУТУН ҲОСИЛНИ ТЕЗ ВА СОЗ ЙИҒИБ ОЛАЙЛИК, ЯХШИ САҚЛАНИШИНИ ТАЪМИН ЭТАЙЛИК ⊙ БУ — ХЎЖАЛИКНИ ЮРИТИШ НОРМАСИ БЎЛИБ ҚОЛСИН.

КАТТА СИНОВ ОЛДИДА

Серқуёш республикамизнинг поёни йўқ пахтазорларида ўн биринчи беш йилликнинг иккинчи йили ҳосили пишиб етилмоқда. Олтин қўлли «оқ олтин» ижодкорлари эл-юрт олдида берган ваъдани муқаддас билиб, йил бўйи юксак хирмон яратиш йўлида фидокорона меҳнат қилдилар. Табиий офат ва сув танқислиги оқибатларини тадбиркорлик билан, маҳорат ва тажрибага таянган ҳолда бартараф этиб, ҳосилнинг ўтган йилгига нисбатан анча эрта етилишини таъминладилар.

Эндиликда улкан хирмон учун курашнинг ҳал қилувчи палласи арафасида турибмиз. Йиғим-терим даврини ҳар сафар зўр ҳаяжон билан кутамиз. Чунки бу давр бутун йил бўйи қилинган меҳнатга якун ясайди, ишларимиз пировард натижаларини сарҳисоб қилади. Шу сабабли бу масъулиятли ва ҳал қилувчи мавсумга ҳар тарафлама пухта тайёргарлик кўриш ҳозирги пайтда маҳаллий партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг, тегишли министрликлар ва уларнинг жойлардаги органлари олдида турган энг муҳим ва долзарб вазифадир.

Бу йилги — СССР ташкил этилганлигининг шонли 60 йиллиги зўр тантана билан байрам қилинадиган йилда пахтакорларимиз мўлжаллаган марралар ғоят юксак ва масъулиятлидир. Биз ўтган йилги рекорд кўрсаткични такрорлашимиз ва камида она-Ватанга 6 миллион тонна «оқ олтин» етказиб беришимиз, ялпи ҳосилнинг 4 миллион 100 минг тоннасини машинада териб олишимиз ва энг муҳими тайёрланадиган пахта сифатини кескин даражада оширишимиз керак. Қўйида матбуотда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Советининг «Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалиги, пахта саноати министрликларининг, республикадаги колхоз ва совхозларнинг 1982 йил ҳосилини йиғиб олишга тайёргарликни тугаллаш ва ўртоқ Л. И. Брежневнинг пахта сифатини ошириш ҳақидаги йўл-йўриқларини бажариш соҳасидаги иши тўғрисида»ги қарори эълон қилинди. Ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлган бу ҳужжатда ҳосил йиғим-теримига тайёргарлик ва уни ўтказиш борасида маҳаллий партия ва совет ташкилотлари, хўжалик органлари, колхоз ва совхозлар олдида турган вазифаларнинг кенг программаси аниқ ва равшан белгилаб берилган.

Ҳозир жойларда дефолиацияни ўтказишга тайёргарлик ишлари тамомланди. Бугун-эрта бу муҳим тадбирни амалга оширишга киришилади. Бинобарин, йиғим-терим ишларини оммавий равишда бошлаб юборадиган кунлар ҳам узоқ эмас. Демак ҳозирнинг ўзидаёқ барча хўжаликларда йиғим-теримда ишлатиладиган техника, қабул пунктлари, пахта тозалаш заводлари шай ҳолга келтирилган бўлиши зарур. Мавсумга нечоғлик пухта тайёргарлик кўрилса, уни шу қадар қисқа муддатда ва юксак сифатда ўтказиш мумкин. Илғор областлар, районлар ва хўжаликларнинг тажрибаси шуни кўрсатиб турибди. Йиғим-терим муддати қанчалик қисқартирилса, ҳосилнинг сифати ҳам шунча юқори бўлади, нобудгарчилик шу қадар камаяди. Тошкент, Қашқадарё, Бухоро ва Сурхондарё областларида худди шу зайлда тайёргарлик кўрилди. Мазкур областларда барча техника шай ҳолга келтирилган, уларнинг бетўхтоб икки сменада юксак унум билан ишлаши назарда тутилиб, етарли миқдорда кадрлар тайёрланди. Ҳозирги пайтда пахтазорлар яна бир бор кўздан кечирилмоқда, далаларда терим суръати ва сифатига салбий таъсир кўрсатадиган ёввойи ўтларнинг мутлақо бўлмаслиги учун тегишли тадбирлар кўрилмоқда.

Йиғим-терим мавсумининг бошланишига жуда оз вақт қолганлигига қарамай, ҳали бир қатор областлар, кўпгина районлар ва хўжаликлардаги тайёргарлик ишларини кўнгилдагидек, деб бўлмайди. Навоий, Фарғона, Сирдарё ва Хоразм областларида, шунингдек, Қорақалпоғистон АССРда терим машиналарининг ҳали талайгина қисми ремонтдан чиқарилмаган. Республикамиз бўйича 9,5 мингта трактор прицепи, мингта чанглагич-пуркагич машина, кўсак чувийдиган 3 мингдан знёд машина ва бошқа хил техника ремонтга муҳтож. Бу камчиликларни жуда қисқа муддат ичида тугатиш учун тезда зарур чораларни кўриш даркор.

Ҳосил йиғим-теримини юксак суръат ва юқори сифатли ўтказиш учун республика колхоз ва совхозлари зарур бўлган ҳамма имкониятларга эгадирлар. Мавсумда 35 мингдан кўпроқ пахта териш машинаси, пахтани қоп-қанорсиз ташийдиган 90 мингта прицеп, 38 мингта транспорт трактори, 10 мингтадан кўпроқ кўсак чувиш машинаси ва бошқа кўплаб машина-механизмлардан фойдаланиш кўзда тутилмоқда. Кейинчалик ишдан узилиш бўлмаслиги учун ҳозир вақт борида яна бир бор мавжуд техникани кўздан кечириш мақсадга мувофиқдир.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев Тошкентда бўлган пайтида пахтанинг сифатини оширишни олдимизга энг муҳим вазифалардан бири қилиб қўйди. Ана шу кўрсатмаларни бажариш борасида республикамизда бир қатор тадбирлар амалга оширилди. Чунончи, юксак технология хусуснятларига эга тола берувчи пахта навлари барча майдонларнинг 64 процентига экилди. Эндиликда пахта сифатини анча яхшилаш ва аъло сифатли пахта маҳсулотини тайёрлаш олдимизда турган муҳим вазифадир. Бунинг учун аввало пахта майдонлари бегона ўтлардан бутунлай тозаланган бўлиши зарур. Йиғим-терим даврида барча хўжаликларда пахта териш ва тоширишнинг сифати устидан доимий назоратни ўрнатиш, терилган пахтани қайта-қайта ғарамлашга йўл қўймай, дала-бункер-тележка-тайёрлов пунктидан иборат ҳаётда ўзини оқлаган прогрессив поток технологиясига оғишмай риоя қилиш таъминлансин. Айни пайтда пахтани сифатли қилиб териш ва тошириш учун колхозчилар ҳамда совхоз ишчиларини маънавий ва моддий рағбатлантириш тадбирлари ҳар бир хўжаликда ишлаб чиқилиши лозим. Пахтачилик бригадаларининг пировард меҳнат натижасидан манфаатдорлигини ошириш учун пахтани хўжаликлардан бригадама-бригада қабул қилиш усули кенгроқ жорий этилсин. Тайёрланган пахта сифатининг бузилмаслиги кўп жиҳатдан тайёрлов пунктлари ходимларининг ишига боғлиқ. Барча пунктлар қуритиш агрегатлари билан таъминланган, пахта сифатини аниқлайдиган приборларга эга бўлиши лозим.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг мазкур қарорида теримнинг юксак суръатлари учун ҳамда давлатга топширилаётган пахтанинг юқори сифатли бўлиши учун областлар, районларни, колхоз ва совхозларни, илғор механизатор ва теримчиларни рағбатлантиришнинг муҳим тадбирлари белгиланган. Маҳаллий партия ва совет ташкилотлари, тегишли министрликлар ва уларнинг жойлардаги органлари республика партия ва ҳукуматининг мазкур қарори асосида бу йилги ҳосил теримини зўр уюшқоқлик билан ўтказиш ва пахта сифатини яхшилашга доир тадбирларни ишлаб чиқишга, уларни оғишмай амалга оширишга даъват этилгандирлар. Ҳозирги пайтда баъзи жойларда дала ишларини сусайтириш ҳоллари юз бермоқда. Бу мутлақо нотўғри. Бутун август мобайнида ғўза парваришини ҳамма жойда кучайтириш лозим. Ривожланишдан орқада қолган дала ва участкаларда ҳам тўла қимматли, юқори сифатли ҳосил олинишини кузлаб, уларга алоҳида эътибор бериш зарур.

Энг масъулиятли, энг ҳаяжонли мавсум — ҳосил йиғим-терим мавсуми яқинлашмоқда. Шубҳа йўқки, партия, совет, қишлоқ хўжалиги, тайёрлов органлари, барча колхозчилар ва совхоз ишчилари халқ олдидаги жиддий имтиҳон ҳисобланмиш пахта теримини қисқа муддатларда, юқори сифатли қилиб ўтказадилар, зиммаларидаги юксак социалистик мажбуриятни шараф билан бажариб, она-Ватанга, партияни, бутун совет халқини янги меҳнат зафарлари билан хушнуд этадилар.

МАККАЖЎХОРИ ЎРИМ-ЙИҒИМИДА СУРХОНДАРЁЛИКЛАРГА ТЕНГЛАШИНГ!

СССР 60 ЙИЛ

Уйчи районидаги «Гулистон» совхози маккажўхорикорлари ўримни жадаллаштиришяпти. Ҳозир хўжалик далаларида учта «Херсонец-7» комбайни унумли ишлаб турибди. 20 та прицеп донни хирмонларга, кўкпояни хандақларга ташияпти. 181 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 80 центнердан дон, 400 центнердан кўкпоя олиш учун кураш қизғин бораяпти.

Суратларда: 1. Маккажўхоричилик бригадаси бошлиғи Турғунбой Турсунов (чапдан), комбайнчи Маҳмуджон Темировлар ҳосил чўғидан мамнун. 2. Ўрим-йиғим пайти.

А. Юсуфбоев фотолари.

МАВСУМГА ШАЙ

Хўжаобод районидаги Абдулла Набиев номли колхозда ғўзаларга шарват сувн бериш яхши йўлга қўйилган. Хўжаликда махсус бригада тузилганлиги бунга ёрдам берди. Бригада составида 24 киши бор. Улар далаларга маҳаллий ўғит ташиб чиқарадилар, шарват сувн бериш учун эртма тайёрлайдилар.

Колхоз деҳқонлари юбилей йилида ҳар гектар ердан 40 центнер «оқ олтин» йиғиб-териб олиш мажбуриятини қабул қилишган. Бу ерда ғўза парваришини йиғим-терим бошлангунига қадар давом эттириш мўлжаллаб қўйилган.

Хўжаликда барча пахта териш машиналари шай қилиб қўйилган, йўллар ремонтдан чиқарилган, янги кўприклар қурилган. Колхозда йиғим-терим кампаниясига ҳамма нарса тайёр.

Андижон области (ЎзТАГ мухбири).

ДАСТЛАБКИ МАРРА ЭГАЛЛАНДИ

КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съезди қарорларини изчиллик билан амалга ошириш, СССРнинг Озиқ-овқат программаси муваффақиятли бажарилишига муносиб ҳисса қўшиш учун курашаётган Сурхондарё областининг маккажўхорикорлари республикада биринчи бўлиб планни бажардилар. 20 минг гектар майдоннинг ҳар гектаридан 79,5 центнердан «каҳрабо дон» хирмони кўтарилиб, 159 минг тонна аъло нав дон тайёрланди, поя чорва бинодари ёнига ташиб олинди.

Областнинг улкан меҳнат ғалабасига барча районлар ўз улушларини қўшдилар. Ленин йўли районн маккажўхорикорлари 1923 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 93 центнердан хирмон кўтариб, 17,8 минг тонна «каҳрабо дон» тайёрладилар. Жарқўрғон районн бўйича 1800 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 91,3 центнердан ҳосил олиниб, 16,4 минг тонна дон жамғарилди. Гагарин районида ҳосилдорлик 97,4 центнерга кўтарилиб, ялпи дон 16,7 минг тоннани ташкил этди. Қумқўрғон районн меҳнат аҳлининг муваффақиятн, айниқса, қувончли бўлди. Район бўйича 3785 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 80 центнердан дон йиғиштириб олинди. Шу райондаги маккажўхорикорликка ихтисослаштирилган Гафур Гулом номли совхозда 2000 гектар ерда биринчи марта деҳқончилик қилиниб, гектаридан 80 центнердан хирмон кўтаришга эришилди.

Жарқўрғон районидаги Норали Боймуродов номли, Шўрчи районидаги Киров номли колхозлар, Гагарин районидаги «Комсомолобод», Ленин йўли районидаги Будённий номли совхозларнинг маккажўхорикорлари, ҳосилдорликда айниқса, юқори кўрсаткичларга эришдилар, гектаридан 100—110 центнер, ҳатто ундан кўп ҳосил олдилар.

Областда юқори ҳосил усталари сафи кенгайди. Ўнлаб бригадалар ҳосилдорликда 115—130 центнерлик марраси дан ўзиб кетишди. Булар орасида Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати Ўтилой Жўраева, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати Новот Холмирзаева, Шоймардон Исматов, Жиянмурод Бойқулов ва бошқалар бор. Бу бригадаларда ўрим-йиғим жуда қисқа муддатларда ғоятда уюшқоқлик билан ўтказилди, дон сўнгги граммларигача сира нобуд қилинмасдан йиғиб-териб олинди. Механизаторларнинг барчаси ўз зиммаларига олган юксак социалистик мажбуриятларини шараф билан бажардилар. Чорва моллар озуқа базасини мустаҳкамлашда ҳам кўп ишлар қилинди ва қилиняпти.

Область меҳнаткашлари оралиқ ва такрорий экинлар парваришини энг яхши агротехника муддатларида ўтказиб, мўл ҳосилга мустаҳкам замин яратмоқдалар.

Маккажўхорикор ўртоқлар! Сурхондарёликлардан намуна олиб, ўрим-йиғимни бутун қоралар билан қучайтиринг! Комбайнларнинг тўхтовсиз ишлатилишини таъминлаб, бир кунда камида бир ярим-икки кунлик графикка тенг иш бажаришга эришинг! Давлатимиз ёрдами, халқимиз меҳнати билан бунёдга келтирилган ҳосилни тез ва соз йиғиштириб олайлик, ишлаб ва социалистик мажбуриятларни шараф билан бажарайлик!

ТАБРИК ТЕЛЕГРАММАСИ

Л. И. Брежнев билан Н. А. Тихонов ўртоқлар Афғонистон Халқ Демократик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, Афғонистон Демократик Республикаси Революцион Кенгашининг Раиси ўртоқ Баббрак Кармалга ва Афғонистон Демократик Республикаси Министрлар Кенгашининг Раиси ўртоқ Султон Али Кештмандга телеграмма йўлладилар. Улар бу телеграммада миллий байрам — мустақиллик тикланганлигининг 63 йиллиги муносабати билан совет халқи, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, Совет ҳукумати номидан ва шахсан ўз номларидан Афғонистон Халқ Демократик партияси Марказий Комитетини, Афғонистон Демократик Республикаси Революцион Кенгашини, ҳукуматини ва бутун қардош афғон халқини самимий табрикладилар.

Олтмиш йилдан кўпроқ вақт илгари мард афғон халқининг ажнабий мустамлакачиларга қарши олиб борган қаҳрамонона кураши қиқаро майдонда мустақил ва суверен Афғонистоннинг вужудга келиши билан тугалланди. Ёш Совет Республикаси мустақил Афғонистонни биринчи бўлиб таниди ва жанубдаги қўшниси билан тенг ҳуқуқли муносабатлар ўрнатди.

Биз Совет давлатининг Афғонистон билан муносабатлар ўрнатиш ва бу муносабатларнинг ривожланиш тарихи бутун жаҳон меҳнаткашларининг йўлбошчиси ва устози Ленин номи билан боғланганлиги учун чин кўнгилдан ва ҳақли равишда фахрланамиз.

Афғон халқи АҲДР раҳбарлигини амалга оширган Апрель революцияси ғалабасидан кейин Совет Иттифоқи билан Афғонистон ўртасидаги дўстона муносабатлар сифат жиҳатидан янада ривожланди. Бу муносабатлар доим кенгайиб, чуқурлашиб бораяпти, янги мазмун билан бойиб, тобора янги соҳаларни ўз ичига олияпти, афғон халқи оғир синовларни бартараф қилаётган ҳозирги шароитда янада кўпроқ чиниқяпти.

Л. И. Брежнев билан Н. А. Тихонов ўртоқлар Афғонистон Халқ Демократик партиясининг, Афғонистон Демократик Республикаси Революцион Кенгаши, ҳукуматнинг Апрель революцияси ғалабаларини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, афғон жамиятини социал-иқтисодий жиҳатдан қайта қуриш вазифаларини амалга оширишда янгидан-янги катта муваффақиятларга эришишларини, шунингдек дўст Афғонистон халқининг тинч, фаровон ва бахтли ҳаёт кечиришини тиладилар.

(ТАСС).

Қишлоқ хўжалиги ишлари кундалиги

ТЕХНИКА ТЎЛА САФАРБАР ЭТИЛСИН

Республикамиз маккажўхорикорлари КПСС Марказий Комитетининг май (1982 йил) Пленуми қарорларига жавобан фидокорлик намуналарини кўрсатиб меҳнат қилдилар, ҳамма жойдаларда «дала маликаси»дан юқори ҳосил етиштирдилар, юбилей йилида 2 миллион тонна «каҳрабо дон» тайёрлаш дала меҳнатчиларимизнинг шарафли бурчита айланди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бу йил маккажўхоридан юқори ҳосил етиштириш ғоятда мураккаб об-ҳаво шароитида амалга оширилди. Маккажўхорикорларимиз айниқса сув танқислигини кўпроқ бошдан кечирдилар. Шунга қарамай ҳамма жойда ҳосилдорлик юқори бўлди. Эндиги вазифа уни тезкорлик билан ўриб-йиғиб олиш, донни янчиш, давлат планлари ва социалистик мажбуриятларни шараф билан бажаришдан иборат. Бутун куч ва техника воситалари ана шу мақсад йўлида сафарбар этилмоғи керак.

Унумдор далаларда ўрим-йиғим ишлари қақиқалар сайин кучайтириляпти. Республика бўйича 123 минг гектар майдондаги маккажўхори ўриб-йиғиб олинди. Бу умумий майдоннинг учдан икки қисмини ташкил этади. Ҳар гектар майдондан 72 центнердан знёд «каҳрабо дон» олинди.

Сурхондарё областининг маккажўхорикорлари республикада биринчи бўлиб давлатга «каҳрабо дон» сотиш планини бажардилар. Улар 20 минг гектар майдоннинг ҳар гектаридан 79,5 центнердан дон хирмони кўтардилар. Гагарин, Ленин йўли, Жарқўрғон районларининг маккажўхорикорлари областнинг улкан хирмонига айниқса катта улуш қўшдилар. Бу районларда ҳосилдорлик гектар ҳисобига 92—98 центнерни ташкил этди. Бошқа районларнинг муваффақиятлари ҳам қувончли бўлди.

Бухоро областининг маккажўхорикорлари ҳам ҳосилдорликни кўтариб, республика карвонининг олдинги сафида бормоқдалар.

Республикамиздаги 3061 комсомол-ёшлар маккажўхорикорлик бригадаларидан 2115 таси ўрим-йиғимга қизғин киришди. 671 бригадада ўрим-йиғим ишлари муваффақиятли тугалланиб, ҳар гектар ердан 80—105 центнердан «каҳрабо дон» олинди.

Қашқадарё область Чироқчи районидаги Ҳамид Олимжон номли маккажўхорикорликка ихтисослаштирилган совхоз коллективи 750 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 100 центнердан дон олиб, берган ваъдасининг устидан чиқди. Комсомолобод районида маккажўхори ўрими тугалланганига анча бўлди. Олот, Вобкент, Конимех, Чирокчи районларида бу муҳим иш меъёрига етказилди. Бухоро областидаги маккажўхорикорликка ихтисослаштирилган «СССР 60 йиллиги», «Партия XXVI съезди» совхозларида дала ишлари муваффақиятли якупланмоқда, ҳосилдорлик юқори бўлмоқда.

Қашқадарё областининг колхоз ва совхозларида ҳам суръат кун сайин кўтариляпти. Область бўйича ҳар гектар ердан 73 центнердан сараланган дон олиняпти. Тошкент, Жиззах, Сирдарё ва Фарғона областларида ҳам суръат оширилиб, сифатга алоҳида эътибор бериляпти. Ҳамма жойда иқтисодчилик ва нобудгарчиликка қарши кураш кучайтириляпти.

Бироқ, Қорақалпоғистон АССР, Хоразм области хўжаликларида ўрим-йиғим ва дон тайёрлаш суръатларини оширишга қаратилган чоралар кўрилиши керак. Наманган ва Андижон областларида ишга туширилган комбайнларнинг меҳнат унумдорлиги кўтарилиши лозим.

Фарғона, Оржоникидзе, Охангарон, Меҳнатобод, Ҳовос, Китоб, Балиқчи, Свердлов, Жиззах, Янгиқўрғон, Булунғур, Хатирчи, Сирдарё, Фрунзе, Хива ва бошқа қатор районларда маккажўхоридан юқори ҳосил етиштирилди. Лекин ана шу районларнинг партия, совет, комсомол ташкилотлари, қишлоқ хўжалик органлари маккажўхорини жуда қисқа фурсатларда нобудгарчиликсиз ўриб-йиғиб олиш, қайта ишлаш ва юқори нав билан тайёрлов ташкилотларига топширишда сусткашликка йўл қўймоқдалар.

Қўпчилик хўжаликларнинг раҳбарлари гектаридан 100—120 центнердан, ҳатто ундан кўпроқ маккажўхори дони етиштириш ва тайёрлаш ҳақида ваъдалар бердилар. Ҳақиқатда шунга эришдилар ҳам. Лекин ҳосил тақдири ҳал қилинаётган дамларга келганда айрим районларда масъулиятсизлик, ўзибўларчилик бегамлик ва бепарволик кўринишларига йўл қўйилмоқда. Олтинкўл районидаги Ленин номли, Бухоро районидаги Усмон Юсупов ном ли, Сирдарё районидаги «Правда» колхозлари, Жиззах районидаги «Коммунизм», Навоий районидаги «Нарпай», Косонсой районидаги «Шарқ юлдузи» совхозлари ва бошқа айрим хўжаликларда маккажўхори ўрим-йиғими, дон тайёрлашнинг кечиктириб юборилаётганини қандай баҳолаш керак? Бу хўжаликларнинг раҳбарлари ваъдабозликдан қачон амалий ишга ўтиб, ўрим-йиғимда кескин ўзгариш ясаш чораларини кўраркинлар?

Маккажўхорикорликда ғанимат кунларнинг кўпи ўтиб, ози қолди. Шундай экан ҳамма жойда ўрим-йиғим оммавий равишда қизитилмоғи, комбайнлар ва транспорт воситалари тинимсиз ишлатилмоғи, бир кунда камида бир ярим-икки кунлик графикка тенг дала ишлари бажарилмоғи керак. Нерофгарчилик, нобудгарчилик, талон-тарожликка, ҳеч ерда сира йўл қўйилмаслиги, давлатга фақат аъло нав маккажўхори дони етказиб бериш таъминланмоғи зарур. Партия, совет, комсомол ташкилотлари, қишлоқ хўжалик органларининг фаолиятига маккажўхори дони тайёрлаш планлари ва мажбуриятларнинг бажарилишига қараб баҳо берилишини унутмаслик керак.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республика матбуотида кўп йил самарали ишлаганлиги учун ва туғилган кунига саксон йил тўлиши муносабати билан «Правда Востока» газетаси редакциясининг масъул секретари ўртоқ Серафим Васильевич Мельниковни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми партия ва совет органларида кўп йил самарали ишлаганлиги учун халқ депутатлари Тошкент район Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари ўртоқ Ғуломқодир Исломовни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

КАНОП ҲОСИЛИ ТОПШИРИЛМОҚДА

Тошкент областининг луб заводлари ўтган йилдагидан анча барвақт янги канап ҳосилини қабул қилишга киришди.

Мамлакатда асосий луб толасини етказиб бераётган «Ташкентзаготлубпром» бирлашмасида ўн битта заводнинг ҳаммаси модернизация қилинмоқда, янги машина-механизмлар олмоқда. Бу эса меҳнат унумдорлигини ошириш ва тола сифатини янада яхшилаш имконини беради. Янгиобод, Уялн, Қўрғонча ва Жумабозор заводларида пахта тозалаш давлат махсус конструкторлик бюроси (Тошкент)да яратилган серунум титиш-ювиш агрегатлари ўрнатилди. Бундай машиналар бирлашмасининг Солдатскийдаги экспериментал механика заводида тайёрланмоқда. Ҳар бир агрегат йилига 150 минг сўмлик иқтисодий самара беради, бу агрегатлар эса 11 заводдан 8 тасида ишлаб турибди. Беш йиллик охирига ҳар бир заводда иккитадан ана шундай машина ўрнатиш режаланмоқда.

Айни вақтда тайёр толани жойлайдиган гидравлик пресс-ярим автоматларни ўрнатиш давом этмоқда. Бу эса шу ишда банд бўлган кўплаб кишиларни бўшатиб, бошқа ишга ўтказиш имконини беради. Уялида ишлаб бошлаган механик таъмировчи машина эса титиш-ювиш ускуналарига хизмат қилаётган ишчиларнинг меҳнатини анча енгилаштиради.

Мажбуриятга мувофиқ «Ташкентзаготлубпром» заводлари мавсум давомида 325 минг тонна канопни қайта ишлайди. Бунда корхоналарнинг модернизация қилиниши энг юқори нав тола олинишини 15 процент кўпайтиришни таъминлайди.

(ЎзТАГ).

Партия турмуши: ҳисобот ва сайловлар

ЮКСАК АКТИВЛИК ВА УЮШҚОҚЛИК ВАЗИЯТИДА

Республикамиз партия группалари ҳамда цех партия ташкилотларида ҳисобот-сайлов йиғилишлари юксак талабчанлик, уюшқоқлик вазиятида бошлаб юборилди. Буғлиб ўтаётган йиғилишлар партия ички демократиясини янада ривожлантириш, иқтисодий ва маданий ҳаётнинг барча жабҳаларига партиявий таъсирни кучайтиришга сезиларли таъсир ўтказмоқда. Кўзланган мақсадга эришишда масъулиятли кампанияга область, шаҳар ва район партия комитетлари олиб борган катта тайёргарлик ишлари муҳим роль ўйнамоқда. Улар ўтган йиллардаги бой тажрибаларга суянган ҳолда семинарлар уюштирдилар, партия группаси ташкилотчиларига, цех партия ташкилотлари секретарларига ҳисобот-сайлов йиғилишларини ўтказиш юзасидан тадбирлар белгилашда яқиндан ёрдам бердилар. Республикамизнинг 8 областида бўлиб ўтган дастлабки ҳисобот-сайлов йиғилишлари гоявий-снёсий ва ташкилий жиҳатдан юқори савияда ўтди. Кўпминг сонли коммунистлар КПСС ва Совет давлатининг ички ва ташқи сиёсатини қизғин қўллаб-қувватлаб, КПСС XXVI съезди ҳамда Ўзбекистон Компартияси XX съезди белгилаб берган улуғвор вазифаларни муваффақиятли ҳал этишга астойдил бел боғлаганликларини маълум қилмоқдалар. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг партия Марказий Комитетининг май Пленумида қилган доклади ҳамда Тошкент тантаналарида сўзлаган илҳомбахш нутқидан келиб чиқадиган вазифалар докладлар ҳамда музокараларда асосий ўринни эгалламоқда. Қуйида дастлабки ҳисобот-сайлов йиғилишлари қандай ўтганлиги ҳақида ҳикоя қилинади.

НАВОИЙ

ЯНГИ область коммунистлари ҳам зўр активлик, принципиаллик ва уюшқоқлик кўрсатмоқдалар. Август ойининг биринчи ўн кунлигида бу ерда мавжуд партия группаларининг ярмидан кўпида ҳисобот-сайлов йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларда партия группалари ҳисобида турувчи коммунистларнинг 96,3 проценти иштирок этиб, 75 процентдан ортиғи музокараларда сўзга чиқдилар. Коммунистлар докладларни муҳокама қилиш жараёнида одатдагидек, иш шароитини яхшилаш, ички резервлардан унумли фойдаланишга қаратилган қимматли таклиф-мулоҳазаларни ўртага ташладилар, зиммаларига оширилган мажбуриятлар қабул қилдилар. Чунончи, «Госкомсельхозтехника»нинг Хатирчи район бирлашмаси слесари Ҳамдам Жўраев йиғилишда шундай деди:

— Қуйи звенода, ҳаёт қайнаган жойда бўлиб, ҳамкасбларимнинг кун сайин унумлироқ, сифатлироқ ишлашга астойдил ҳаракат қилаётганликларини жаҳдлари ҳис қиламан. Бу кўпчилик ҳол, албатта. Қадрдонимиз Леонид Ильич Брежневнинг серқуёшديارимизга келиши, СССР озиқ-овқат программасининг қабул қилиниши, қолаверса, янги Навоий областининг тузилиши ҳар бир коммунист, меҳнаткашнинг ғайрат-шижоатини янада жўш урдириб юборди. Бошқалар қаторида мен ҳам зардорчасига ишлашга ҳаракат қиламан. Ниятим — бу йилги пахта йиғим-терими даврида машиналарни бенуқсон ишлашини таъминлаш.

Чиндан ҳам пахта йиғим-терими даври яқинлашмоқда. Ҳар йилгидек бу йил ҳам қанчадан-қанча хотин-қиз механизаторлар машина штурвалини моҳирлик билан бошқарадилар. Навбаҳор районидаги «Гигант» совхозининг механизатори Бозоргул Султонова уларнинг бири. Бу фидокор коммунист съездлар йилида ўтган йиллардаги анча кўп — 150 тонна пахта териб беришга азму қарор қилди. Қизилтепа районидаги «Бўстон» совхозининг механизатори Раъно Валиева эса синглиси Зоя билан мавсумда машинада камида 400 тонна пахта териш орзусида.

Навоий кон-металлургия комбинатининг Марказий кон бошқармаси ишчиси Лидия Ивановна Шамраеванинг сўзларини ҳамкасблари қизғин кўллаб-қувватладилар.

— Бебаҳо бойлигимиз — ердан унумли фойдаланиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз, — деди у. —Шу боисдан, бошқармамиз коммунистларининг ҳар бирларини ёрдамчи хўжалигимиз учун ажратилган ерда 20 соатдан ишлаб беришга чақираман.

НУКУС

Коммунистнинг шахсий дахлдорлиги. У айниқса, масъулиятли дамларда янада тўлароқ намоён бўлади. Бу йилги сув танқислиги қишлоқ меҳнаткашларидан зўр омилкорлик, сабот-матонат кўрсатиб ишлашни тақозо этмоқда. Эл-юрт ишининг ҳақиқий жонкуярлари—коммунистлар ҳар бир қатра сувдан тежаб-тергаб фойдаланиш, чорва учун етарли миқдорда озуқа жамғариш учун олиб борилаётган курашда карвонбошилик қилишяпти. Жумладан, Шуманай районидаги «Ўзбекистон Компартияси XX съезди» совхозининг бригада бошлиғи Г. Кошлиев ғўза парваришини намунали олиб бориш билан бирга пичан ўримида актив иштирок этяпти. Нияти пахта йиғим-терими бошлангунга қадар 25 тонна дагал хашак тайёрлаш. Ҳисобот-сайлов йиғилишида у 5 тонна пичан жамгарганини маълум қилди.

Амударё, Қораўзак, Элликқалъа районлари партия группаларида ҳам ҳисобот-сайлов йиғилишлари жонли, таъсирли, ўз-ўзини танқид руҳида ўтмоқда. Беруний районидаги Беруний номли совхоз паррандабоқари Малика Ўрозова, Тахтакўпир районидаги Фрунзе номли совхоз ишчиси Орзиойим Ризамбетова, Тўрткўл районидаги «Ленинизм» совхозининг бўлим бошқарувчиси Осмон Назаров ва бошқа кўплаб коммунистлар сўз олиб, кўпчиликни қизиқтирган долзарб масалаларни ўртага ташладилар. Умуман Автоном республикада бўлиб ўтган йиғилишларда 738 та таклиф ва мулоҳазалар ўртага ташланди.

АНДИЖОН

Масъулиятли имтиҳон даврига Қўрғонтепа, Москва, Пахтаобод, Ҳўжаобод район партия ташкилотлари яхши тайёргарлик кўрган ҳолда келдилар. Бу йиғилишларнинг намунали ўтаётганлигида ўз ифодасини топяпти, КПСС XXVI съезди номидаги Шаҳрихон шойи тўқиш фабрикасининг ишчиси Одина Нишонова долзарб масалани ўртага ташлади:

— Шу йилнинг ўтган ярим йили ичида биз 16,5 минг метр газламани «Сифат белгиси» билан ишлаб чиқардик, — деди у. — Аммо натижа бундан ҳам яхши бўлиши мумкин эди. Бироқ, Андижон ип-газлама комбинати юбораётган тола сифати кўпда талабга жавоб бермаяпти. Мазкур коллектив бу ҳақда жиддий ўйлаб кўрмоғи лозим...

Хўжаобод районидаги «Коммуна» совхозининг тажрибали механизаторлари Ғоли Мамитов ва Аҳмадали Асқаровлар партия группаси ҳисобот-сайлов йиғилишида сўзга чиқишдан олдин ўз имкониятларини яхшилаб чамалаб кўрдилар. Улар йиғилишда мавсумда машина бункеридан 250—300 тонна пахта бўшатишга азму қарор қилганликларини маълум қилишди. Уларнинг ғайрли ҳаракати ҳамкасблари томонидан қизғин қўллаб-қувватланди. Шу райондаги «Россия» колхозининг ҳамда Андижон районидаги «Москва» совхозининг қатор бригадалари эса ҳар гектар ердан 45 центнердан хирмон кўтариш мажбуриятини олишди.

* * *

Характерлиси шуки, бўлиб ўтаётган ҳисобот-сайлов йиғилишларида коммунистлар шу кеча-кундузда ҳал қилинмиш лозим бўлган масалаларга ҳам эътиборни қаратмоқдалар. Масалан, Нукус районидаги Жданов номли совхоз трактورчиси И. Жамолов бригада партия йиғилишлари гоҳо вақтида ўтказилмай келинаётганлигини танқид қилди. У бригада коммунистлари партия йиғилишларини вақтида ўтказиш, қолоқликка чек қўйиш ҳақида алоҳида қайғуришлари лозимлигини таъкидлади.

— Мавсумий болалар боғчаларини ташкил этишга ҳозирдан киришиш лозим,— деди Элликқалъа районидаги «Октябрь 60 йиллиги» совхози ишчиси Х. Розимбетова, — ўтган йили бу масалага етарли эътибор берилмаганлиги сабабли баъзи ёш болали оналар йиғим-теримда актив иштирок этолмадилар. Бу ишни биз, коммунистлар изчил назорат қилиб боришимиз лозим.

Дастлабки ҳисобот-сайлов йиғилишлари ана шундай жонли, таъсирли, коммунистларнинг актив иштирокида ўтмоқда. Қуйи партия ташкилотларининг илғор иш тажрибаларини ўрганиш, оммалаштириш, хайрли ҳаракатларни қўллаб-қувватлаш, коммунистларнинг таклиф-мулоҳазаларини амалга оширишга киришиш партия ташкилотлари, совет ва хўжалик органларининг биринчи галдаги муҳим вазифасидир.

Хўжаобод районидаги Киров номли агросаноат бирлашмасидаги консерва заводининг иккинчи навбати ишга туширилди. Янги линия йилига 20 миллион шартли банка консерва тайёрлаш имконини беради. Эндликда хўжалик ҳар йили 50 миллион шартли банка консерва ишлаб чиқармоқда.

Ҳозир бирлашма хўжаликларида узум, олма, олхўри, помидор, картошка ҳосилини йиғиштириб олиш қизғин давом этмоқда. Боғбон ва сохибкорлар, сабзавоткорлар етиштирилган ҳосилнинг ҳаммасини нес-нобудсиз йиғиштириб олиш ва истеъмолчиларга сифатли ҳолда етказиб беришга ҳаракат қилмоқдалар.

Суратда: бирлашманинг илғор ишчилари Йўлдошхон Тошматова (чапдан), Маърифат Мирзаева, Муҳаббат Алимова, бригада бошлиғи Абдухалил Умаралиев ва Чиниҳол Сатторовалар токзорларда мўл ҳосил етиштирилганлигидан мамнун.

Р. Ашуров фотоси. (ЎзТАГ).

ПАРВОЗ

«Келажакда «Қирқиз» ерлари гуллаётган боғ бўстонга, «оқ олтин» конига айланади. Биз ана шу «Қирқиз»нинг қаҳрамонлари бўламиз!» Асрлар мобайнида мудраб ётган қақроқ ерларга дастлабки қадам ташлаган коммунист ва комсомолларнинг шиори шундай бўлган эди. Турли жойлардан одамлар кўчиб келишиб, янги ерлар очиб, деҳқончилик қила бошладилар. Чўл қадамба-қадам бўйсиндирилди.

Бу ерга илк бор кўчиб келган кишилар «Қирқизобод» колхозига асос солдилар, Хўжалик 1964 йилнинг бошларида кўчма бригадалар базасида ташкил топди. Малакали бухгалтер Абдулла Олимов колхозга раис қилиб сайланди.

Район партия комитети янги хўжаликка ҳар томонлама ёрдам бериб келди. Колхоз ташкил топган биринчи йилдаёқ пландаги 15 центнер ўрнига гектар ҳосилдорлиги 18,5 центнердан пахта ҳосили олинди. Чўл шароитида деҳқончилик қилиш маҳорати аста-секин ўзлаштирилди.

Йиллар ўтиб, хўжалик ҳар томонлама ўзини ўнглаб олди. Учинчи бош йиллик хўжалик учун юксалиш йили бўлди. Иқтисодий жиҳатдан бақувватлашди. Ер деҳқоннинг асосий бойлиги, фаровонлик, ризқ-рўз манбаи эканлигини яхши тушунган чўлқуварлар 1976—80 йилларда уч юз гектар янги ер ўзлаштириб, хўжалик оборотига киритдилар. Шу даврмобайнида давлатга 26,7 минг тонна, яъни пландагидан 3,5 минг тонна кўп чўл жавоҳири етказиб берилди. Шунинг 15,5 минг тоннаси «заҳрли кема»лар ёрдамида теріб олинди. Механизациядан унумли фойдаланиш, тежамкорликка қатъий риоя қилиш натижасида пахтачиликда рентабеллик даражаси кескин яхшиланди. Колхоз ўн саккиз миллион сўмдан ошириб даромад олди.

Шу йилларда колхоз икки марта республика социалистик мусобақаси ғолиби бўлди. Ўтган йили шароит жуда қийин келганига қарамасдан давлатга 5642 тонна юқори сифатли пахта сотилди, гектаридан 47 центнердан ошириб ҳосил олинди. Етиштирилган ҳосилнинг 3442 тоннаси машиналар билан теріб олиниб, салкам саксон процент пахта биринчи сортларга қабул қилинди.

Кейинги йилларда хўжаликда юқори ҳосилли бригадалар сони кўпаймоқда. Эрка Юсупов, Рўзим Султонов, Саъдулла Қиличев, Саидназар Отажонов, Аминтой Қиличев ўртоқлар бошлиқ бригадаларда гектаридан 50—56,5 центнер ҳосил етиштирилмоқда. Юбилей йилида бу коллективлар олтмиш центнерчилар ташаббусига қўшилишган.

Барча тармоқлардаги муваффақиятлар хўжаликка бутлур уч миллион 800 минг сўм даромад бўлишни таъминлади. Шундан 500 минг сўми соф фойда ҳисобланади. Ўтган йил якунлари бўйича колхоз Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида ғолиб чиқди.

Колхоз маркази тобора обод ва кўркамлашиб бораяпти. Биргина сўнгги беш йил ичида ўрта мактаб, болалар боғчаси, икки қаватли колхоз идораси, нефтебаза, теплица, чорвачилик комплекси, дала шийпонлари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Колхознинг ички йўлларига асфальт ётқизилаётир. Ҳозир қишлоқ марказида клуб, ҳаммом, меҳмонхона, болалар боғчаси ва бошқа объектлар қурилмоқда.

— Хўжалигимизнинг азамат пахтакорлари СССРнинг 60 йиллик юбилейини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун фидокорона меҳнат қилмоқдалар, — дейди колхоз раиси Абдулла Олимов. — Бу йил ҳосилдорликни 60 центнерга етказиб, 7200 тонналик «оқ олтин» хирмони бунёд этишга бел боғлаганмиз. Ёки 1981 йилга нисбатан 1558 тонна кўп пахта етиштирилади.

Хўжаликнинг истиқболи янада порлоқ. Ўн биринчи беш йиллиннинг охирларига бориб тўрт юз гектар янги ер ўзлаштирилади. Озуқабоп экинлар майдони эса 100 гектарга кенгайтирилади. Жамоат чорвачилигини янада ривожлантириш имкониятига эга бўлинади. Бу масъулиятли вазифаларни бажаришда партия ва ҳукуматимизнинг доимий ёрдами чўлқуварларга мадад бўляпти. Деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари сотишда йил сайин қувончли ютуқлар қўлга киритилмоқда. Элликқалъа районидаги «Қирқизобод» колхози пахтакорлари шуҳасиз юбилей йили социалистик мажбуриятларини ошириб бажарадилар.

Б. ДУСТЖОНОВ,
Ш. АБДУРАҲИМОВ.

МЎЛ КАРТОШКА ҲОСИЛИ

«Фарғона» совхозида Мамажон Ашуралиев звеноси мўл эртанги картошка ҳосили етиштирди. Бу ерда гектар бошига 230 центнердан йирик картошка ҳосили олинди. Бу йиллик планда кўзда тутилганидан икки баравар кўпдир. Кундуз Йўлдошев, Ғани Муродов, Ниҳоят Баратова илғор звеноларининг далалари ҳам саховатли бўлди. Шундай қилиб, СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига зиммага олинган социалистик мажбуриятлар анча ошириб бажарилди.

Барча агрономия ишларининг вақтида сифатли қилиб бажарилиши муваффақиятга кўмак берди. Уруғлик энг яхши муддатларда машинада экилди, органик ўғит ва минерал ўғит ерга табақалаб солинди. Картошкакорлар область марказининг магазинларига 1115 тонна картошка ортиб жўнатдилар.

Совхоз деҳқонлари КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май Пленуми қарорларига жавобан зиммаларига янги мажбурият олдилар. Йил охиригача қазиладиган ялпи картошкани 6 минг тоннагача етказишга қарор қилиндиа. Бу бир ярим йиллик топшириққа баравар дир.

«ИПАК ПАХТА»ГА – КЕНГ ЙЎЛ

18 август куни Қаршида бўлиб ўтган республика илмий-ишлаб чиқариш кенгаши Ўзбекистонда пахтанинг ингичка толали навларини етиштиришни янада кўпайтириш проблемаларига бағишланди. Кенгашда олимлар, қишлоқ хўжалик мутахассислари, партия ва совет органларининг ходимлари иштирок этдилар.

Бутуниттифоқ пахтачилик илмий-тадқиқот институти директори, ВАСХНИЛ академиги А. И. Имомалиевнинг докладида ва сўзга чиққан кенгаш қатнашчиларининг нутқларида шу нарса қайд этиб ўтилдики, Ўзбекистон деҳқонлари партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май Пленуми қарорларини, ўртоқ Л. И. Брежневнинг йўл-йўриқларини амалга ошира бориб, ингичка толали пахта етиштиришни кўпайтирмоқдалар. Қарши дашти кўп миқдорда шундай пахта етказиб бермоқда.

Кенгаш қатнашчилари ингичка толали пахта етиштиришга механизациями кенг жорий этиш, «оқ олтин» етиштиришда фан ютуқлари ва илғор технологиядан фойдаланиш масалаларига катта эътибор бердилар. Касалликларга қарши бардошли бўлган, машина терими талабларига мос бўлиб тушадиган энг яхши тип тола берадиган пахтанинг янги тезпишар навларини яратиш ва жорий этиш асосий йўналишлардан бири эканлиги таъкидлаб ўтилди. Пахтанинг «Сурхон-3», «Бухоро-1», «Термиз-13» ва «Термиз-14», «Ашхобод-25» навларига юксак баҳо берилди.

Кенгаш иштирокчилари республикада «Ипак пахта» етиштиришни кўпайтиришга, ундан муттасил мўл ҳосил олишга қаратилган тавсиялар қабул қилдилар.

ТАБИИЙ РЕСУРСЛАР ИНСОН ХИЗМАТИДА

Леонид Ильич Брежнев совет кишиларининг сиҳат-саломатлиги тўғрисида ғамхўрлик қилишни энг муҳим социал вазифа деб атади. Ўзбекистоннинг бой табиий иқлим шароити минг-минглаб меҳнаткашларга республикадан чиқмай, шу ердаги санаторийлар ва дам олиш уйларида ўз отпускаларини ўтказиш имкониятини беради. Шифохоналар сони кўпаймоқда, янги курортлар, пансионатлар ва туристлар учун меҳмонхоналар қад кўтармоқда. Ленин шу объектларнинг қурилиш суръатлари ҳозирги кунинг талабларига тўла жавоб бермаяпти.

Меҳнаткашларнинг дам олишини уюштириш республика комиссиясининг навбатдаги мажлисида шу ҳақда гапирилди. Бир неча йиллардан бери ажратилган капитал маблағларни ўзлаштирмаётган республика Қурилиш министрлиги шаънига танқидий мулоҳазалар билдирилди. Бу министрликнинг қурилиш бўлимлари курортларда, туризм ва дам олиш объектларида қурилиш-монтаж ишларини чўзиб юбормоқдалар.

Комиссия министрликларнинг раҳбарларига ишнинг барча турларини юксак сифатли қилиб ва белгиланган муддатларда бажариш, шу йил Бухорода «Ситораи моҳи хоса» санаторий комплексининг биринчи навбатини, келгуси йилда Самарқанддаги туристлар меҳмонхонасини фойдаланишга топшириши таъминлаш учун мансабдор шахсларнинг масъулиятини оширишни тавсия қилди.

Фарғона областининг Шоҳимардон қишлоғида лойиҳалаш ва қурилиш ишларининг қандай бораётганлиги тўғрисидаги ҳисобот ҳам тингланди. Табиий иқлим шароитидан актив дам олиш ва соғломлаштириш учун етарли фойдаланилмаётганлиги, ишлаб ўтилди. Шоҳимардондаги дам олиш муассасалари қурилишида маблағлар бир жойга тўпланмаётир, шу муассасаларни лойиҳалаш ва қуриш юзасидан қатъий чоралар кўрилмаётир.

Комиссия Шоҳимардонда меҳнаткашларнинг даволанаиши ва дам олиши учун табиий иқлим ресурсларини чуқур ўрганишни ташкил этиш бу ерда болали оналар учун санаторий, йил бўйи ишлайдиган санаторий типидаги пионер лагери, оммавий дам олиш зоналари, автокемпинглар ва пансионатлар қуриш масаласини илмий ва лойиҳалаш ташкилотлари билан биргаликда кўриб чиқиш тавсия қилинди.

(ЎзТАГ).

ОМИЛКОРЛИК БИЛАН ЁНДОШИЛСА...

Бу совхознинг тузилганига 12 йил бўляпти. Бир хўжаликнинг оёққа туриши, рентабелли бўлиши учун ҳар ҳолда етарли муддат. Ана шунча муддат ичида хўжалик ўсиб, иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамланиб, давлат олдидаги қарзларини ҳам узиши мумкин. Республикамизда қисқа муддат ичида рентабелли бўлиб олаётган хўжаликлар оз эмас. Афсуски, «Янгиер» совхози тўғрисида гап кетганда бундай дейиш қийин. Бу совхоз тузилгандан бери ҳар йили давлатдан қарздор бўлиб қоляпти. Унинг қарзи ҳозир бир неча юз минг сўмни ташкил этади. Район, область кенгашларида қолоқ хўжаликлар тўғрисида сўз кетганда биринчи бўлиб шу совхоз тилга олинадиган бўлиб қолди.

Бунинг сабаблари кўп, албатта. Совхоз тез ўсиб бораётган Янгиер шаҳри биқинида жойлашган. Маълумки шаҳарда қурилиш тез ўсиб, ишчи ва хизматчиларнинг моддий ва маиший турмуш шароитлари ҳам яхшиланиб бормоқда. Совхоз территориясида истиқомат қиладиган аҳолининг деярли 40 проценти шу шаҳардаги саноат корхоналари ва қурилиш ташкилотларига ўтиб ишламоқда.

Биз бригадаларда бўлганимизда ёш ишчилар билан суҳбатлашдик. Уларнинг ҳаммаси совхозда маданият ўчоғи йўқ, қишлоқ кечкурунлари жуда зерикарли бўлади, спорт билан шуғулланадиган бирон-бир майдонча тополмайсиз, деган сўзларни айтишди.

Шуни айтиш керакки, совхозда аҳвол оғирлигича қолмоқда. Йиллар ўтган сайин ҳам ўзгариш бўлмаяпти. Бу хўжалик барпо қилинган дастлабки пайтда сабзавот ва полизчиликка ихтисослаштирилган эди. Янгиер шаҳри ишчи ва хизматчиларини маҳсулот билан таъминлашга даъват этилганди. Афсуски, хўжалик бу вазифани оқлай олмади. Шаҳар дўконларини сифатли сабзавот ва полиз маҳсулотлари билан етарли таъмин эта олмади. Совхозда сабзавот сақланадиган катта омборхона қуриш мўлжалланган эди. Лекин қурилиш чўзилиб кетди, ҳозиргача ҳам у қуриб битказилган эмас. Хўжалик қўраётган зарар кўпайди, ишчиларнинг меҳнат ҳақи эса пасайиб кетди. Шундан кейин совхоз пахтачиликка ихтисослаштирилди.

Ҳозир хўжалик 1800 гектар ерда пахта етиштирмоқда. Бу —йирик хўжаликнинг экин майдонига тенг. Аммо етиштирилган ҳосил кам. Кейинги саккиз йил ичида ҳар гектардан олинадиган пахта ҳосили 7 центнердан 14 центнерга ошди, холос. Ҳолбуки, шу хўжалик билан қўшни бошқа хўжаликларда пахта ҳосилдорлиги 25—30 центнерга етди. «Янгиер» совхозида эса агротехника қоидаларининг бузилиши, навли уруғлар экилмаслиги, алмашлаб экиш схемасига амал қилинмаслиги, агроном ва бригадирлар ер картограммасига амал қилмасликлари сабабли пахтачиликда ҳосил паслигича қолаяпти.

Деҳқончиликдаги ишлар ўлда-жўлда бўлганидан кейин у чорвачиликка ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда. Ялпи пахта ҳосилини ошириш мақсадида озуқа экинлари майдони кескин қисқартириб юборилмоқда. Кейинги йилларда беда ва маккажўхори жуда кам майдонларга экилди. Унинг ҳосили эса ниҳоятда паст. Ўтган йили беда бор-йўғи уч марта ўриб олиниб, ҳар гектар ердан 45 центнердангина пичан жамгарилди. Ҳар гектар ердан олинадиган маккажўхори кўк пояси эса 120 центнердан ошмади.

—Бизда озуқа февраль ойи кирар-кирмас тугайди,— дейди сут соғувчи Н. Ягафарова, — шундан кейин бошқа хўжаликлардан озуқани сотиб олиш керак бўлади. Ҳўжаликлардан сотиб олинган озуқанинг сифати нима бўларди, дейсиз. Чорва молларни аранг омон сақлаб қолишга кифоя қилади, холос.

Мана қўлимизда совхознинг ўтган йили иш якунларига доир маълумотлар. «Таннарх» деган графада бир центнер сутнинг таннархи 40 сўм 57 тийин, бир центнер мол гўштининг таннархи эса 512 сўм 81 тийин эканлиги кўрсатилган. Бундай баланд таннархни республикамизнинг яна бирон-бир хўжалигида учратиш қийин.

—Тўғри, бизда маҳсулот таннархи жуда юқори, — деб тан олади орадаги нокулай вазиятни юмшатиш учун ферма мудири Алиқул Мирзаев. —Кўкламга яқин бошқа хўжаликлардан озуқани қимматга сотиб оламиз. Бунинг устига уни жуда узоқ масофадан ташиб келтиришга тўғри келади.

Бу йил ҳам хўжалик фермасида оғир аҳвол содир бўлди. Ярим йиллик плантопшириқлари бажарилмай қолди. Ярим йиллик маълумотга кўз ташласангиз, нуқул минусларга кўзингиз тушади. Меҳнатобод райони раҳбарлари хўжаликда тез-тез бўлиб, ёрдам кўрсатишга интилишади. Комиссиялар келиб аҳволни ўрганишади, ҳар хил фикрлар айтишади, хулосалар чиқаришади, лекин буларнинг нафи ҳозирча кам бўляпти. Яқинда хўжалик директори, бош зоотехник ва яна бир неча мутахассислар ўз вазифаларидан бўшатилди.

Ҳозир хўжаликда директор вазифасини ёш мутахассис Мирза Тўхтаев бажармоқда. У деҳқончиликни, совхознинг шароитини яхши билади, ишларни тўғри йўлга қўйишга ҳаракат қилмоқда.

—Фермада аҳвол қандай, маҳсулот етиштириш қандай бораяпти? —деб сўрадик ундан.

—Мана бу маълумотлаги рақамлар билан танишинг, —деди у шу йил июль ва август ойларининг биринчи ярмида сут соғиб олиш тўғрисидаги маълумотни узатиб. —Сут соғиб олишда 10 кун олдинда борямиз. Н. Ягафарова ва М. Исоқова каби сут соғувчилар ҳар бош сигирдан кунига соғиб олинадиган сутни 2 килограммга кўпайтирдилар.

Тўғри, фермада ҳозир сут соғиб олишда озгина бўлсада, силжиш бор. Аммо бошқа муаммолар ҳали анчагина. Сигирларнинг учдан бир қисми қари. Бундай сигирлар кўп сут бермаслиги аён, албатта. Бунинг устига жониворлар ориқ. Рациондаги озуқа билан таъминланмаётир.

Бу йил хўжалик бошқоқли дон экинларидан дурўст ҳосил олди. Давлат плани бажарилди. Уруғлик фонди жамгарилиб, чорва моллар учун анча озуқа жамгарилди. Июль ойида бир бригададаги маккажўхори силос учун ўриб олиниб, ўрнига такрор маккажўхори экилди. Шундай қилиб, ҳар гектар ердан 500 центнердан (икки экин ҳосилига албатта) кўк поя олинади.

Биз пахтаозларни оралаб юрибмиз. Ғўзалар яхши парвариш қилинган. Бегона ўтлар йўқ. Ҳозир барча майдонларда чеканка тугалланди. Қатор ораларига ишлов бериш тўхтатилмаётир.

Биз маккажўхоризорга етиб келдик. Бу далада ўрим агрегатлари бурилади ган майдончалар тайёрланмоқда.

—200 гектар ерда маккажўхори етиштирдик, —дейди бригада бошлиғи П. Мирзаев —Ҳар гектар ердан 75 центнердан дон, 300 центнердан кўк поя олишни мўлжаллаяпмиз. Ҳозир 50 гектар ердаги маккажўхорини ўриб тугатдик. Ерни дарҳол шудгорлаб перко экамиз.

Биз хашаки ошқовоқ, лавлаги ва беда экилган майдонларни кўздан кечирдик. Шуни айтиш керакки, бу йил ўтган йилга нисбатан ҳар гектар беданодан икки баравар кўп пичан олинди. Мавсум охиригача озуқакорлар бедани яна икки марта ўриб олишмоқчи. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра хўжаликда ҳар бош қорамол учун 13,5 центнер озуқа бирлиги тайёрланади. Бу қиш ойлари учун етарли озуқадир.

Совхозда озуқа цехи қуватини ошириш, хлорелла цехини ишга туширш, шунингдек, суюқ озуқа тайёрлайдиган агрегат ўрнатиш мўлжалланмоқда. Бу тадбирлар чорва моллари сифатли ва тўйимли озуқа билан таъминлаш, бинобарин, маҳсулот етиштиришни кўпайтириш имконини беради.

Хўжаликда озуқа экинлари ҳосилдорлигини ошириш, чорва моллар зотини яхшилаш, наслчилик ишларини йўлга қўйиш, подани серсут сигирлар билан тўлдириш зарур. Совхоз раҳбарлари ҳудди шу йўлдан бориб, айни вақтда ишчи ва хизматчиларнинг турмуш шароитини яхшилаш, далаларда ва фермаларда қулай меҳнат шароитларини яратишга ало ҳида эътибор бермоқда.

Ҳозир колхоз ва совхоз қишлоқлари марказини магазинлар, мактаб, клуб, ошхона, медпункт, маиший хизмат уйи, телефон ва бош қаларсиз тасаввур қилиш қийин, «Биз қишлоқда уйжой, маданий-маиший, йўл қурилиши билан нақадар куч-ғайрат кўрсатиб пухта шуғуллансак, деҳқонлар меҳнати шу қадар унумли бўлишини исботлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ», — деб таъкидлади ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитетининг май Пленумида қилган докладида. Совхоз дирекцияси, партия ва касаба союз, ташкилотлари ана шу кўрсатмаларга амал қилиб қишларга ғамхўрлик қилишни ўзларининг биринчи галдаги вазифаси деб билмоқлари зарур.

Р. ГАБДУЛҲАҚОВ,
«Қишлоқ ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

Тошкент районидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» сут-товар фермасининг коллективи шу кунларда маҳсулот етиштиришни кўпайтириш учун астойдил меҳнат қилишяпти. Фермада серсут зотли сигирлар боқилмоқда. Ҳар куни ферма ҳовлисига қатор-қатор прицепларда кўп ва ширали озуқа келтирилади. Замонавий комплекс сут соғувчилар хизматида. Бу ерда «оқ чашма» соҳибаларининг самарали меҳнат қилишлари учун қулай шарт-шароитлар муҳайё. Айни кунларда хўжалик маккажўхорикорлари ўрим-йиғимни жадаллаштириб мўл «каҳрабо дон» йиғиб олиш билан бирга жамоат чорвачилиги учун сифатли силос бостирмоқдалар. Фермада донгдор сут соғувчи Мунаввар Исоқованинг сафдошлари кўпаймоқда. Улар ўз мураббийларни изидан бориб, парваришларидаги ҳар бир сигирдан 5000—5500 килограммдан сут соғиб олиш йўлида ғайрат кўрсатишяпти.

Суратда: мусобақа пешқадамлари, илғор сут соғувчилар (чапдан) Мария Акбарова ва Меҳри Жўраевалар.

Н. Шарипов фотоси.

ҒЎЗАЛАРНИ ЯШНАТИБ

Катта йўлнинг икки томони ям-яшил пахтазор. Далада иш авжида. Сувчилар пайкал оралашяпти, узоқлардан трактор моторининг бир маромда гуриллаши қулоққа чалинади. Деҳқоннинг қалб кўри билан кўкка бўй чўзаётган ғўзалар кўзни қувонтиради. Яшил карталар қадоқ қўлли деҳқонларнинг меҳнатини кўз-кўз қилаётгандек. Совхоз директори Саттор Усмоновнинг айтишича, бу йил хўжалик деҳқонлари 4207 гектар майдонда деҳқончилик қилишяпти. Давлатга 6500 тонна саноат хом ашёси етказиб бериш уларнинг эзги мақсадлари.

Дарҳақиқат, Зарбдор районидаги «Оқ олтин» совхозининг азамат чўлқуварлари ўн биринчи беш йилликнинг иккинчи йилида мўл «оқ олтин» етиштириб, Ватанни қувонтириш учун самарали меҳнат қилмоқдалар.

Биз катта йўлдан чапга бурилиб шийпонга етиб келдик. Бўлим бошқарувчиси Алиқул Жалилов пешвоз чиқди. Бўлим заршунослари-нинг шу кундаги диққатэътибори мажбуриятни қоплайдиган даражада ҳосил тўплашга қаратилган.

Далаларда ғўзанинг авжи баланд. Бегона ўт кўринмайди. Ҳар тупда 7—8 тадан кўсак саналиб мумкин. Культивацияннинг сифатини кўздан кечирдик. Механизаторнинг яхши ишлаётганлиги яққол кўриниб турибди. Алиқул Жалилов дарҳол этигининг кўнжидан ўлчагич олди.

— Эни 40, чуқурлиги — 18 сантиметр, —деди бўлим бошқарувчиси. — Бу участканинг ниҳолларига тажрибали механизатор Одилжон Қаҳҳоров ишлов бермоқда. У чарчаш нима эканлигини билмайди. Кузга бориб ўзи ишлов берган карталардаги ҳосилни йиғиштириб олмоқчи.

Ҳақиқий меҳнат фидойиси ерни увол қилмайди. Унинг ҳар қаричи унумини оширади, ҳосилни орттиради. Алиқул Жалилов ҳам мана бир неча йилдирки, чўлда меҳнат қилмоқда. Бир пайтлар Алиқул Жалилов ҳозир деҳқончилик қилаётган унумсиз ердан 30 центнердан ҳосил етиштираман деганда, кўпчилик ишонмаганди. Лекин тажриба деҳқонни янгилиштирмади. Бўлим заршунослари ўтган хўжалик йилида ҳар гектар майдондан 31 центнердан чўл дурдонаси йиғиштириб олдилар. Лекин бу ғалабага осонликча эришилмади. Унинг тагида қанчадан-қанча фидокорона меҳнат ётиши бўлим деҳқонларига аён.

Қаторда норинг бўлса, юкинг ерда қолмайди, дейишади. Бўлим деҳқонлари СССР 60 йиллигига ҳар гектар майдондан 35 центнердан чўл дурдонаси етиштиришга аҳд қилдилар. Чўл шароитида бу юксак довонни эгаллашнинг ўзи бўлмайди. Буни дилдан ҳис этган бўлим заршунослари ниҳолларга ишлов бериш, суғориш ишларини юксак сифатда олиб бормоқдалар.

И. ХОЛМАТОВ.

Ёзувчилар пахта далаларида

«ОҚ ОЛТИН» МАДҲИЯСИ

БАҒИШЛОВ

Бу қишлоқ азаллан маъруф ва машҳур. Боғлари сўлимликда, тўрғай ва булбулларга ошиёнлигию, мева-мастонларининг қанду новотлигида афсонавий Эрам боғларидан ҳам қолишмайди. Анор ва нашватилари тилладай, узумлари биллурдай, жанаки олмалари қизларнинг ол ёноқларидай товланиб, кўзларни қамаштиради. Полизларида кеч кузгача турфаранг, сермагиз ва сершира қовуунларнинг асалдай тотли ва шифобахш қиллари, ажиб таровати аримайди. Бу боғларга қадам ранжида қилган кишининг кўнгли тоғдай кўтарилиб, бир дунё ором, завқ-шавқ олади.

Қишлоқни тенг иккига бўлиб ўтган Шовот канали бу деҳаларни тўртта хўжаликка баравар оби-ҳаёт улашади. Унинг соҳилларидаги қанчадан-қанча сўлим, хушҳаво ва ҳушнаво масканларни айтмайсизми?! Бу ерларда андак ором олсангиз бас — янги туғилгандай бўласиз-кўясиз! Ички суғориш шахобчаларининг икки ён қирғоқларидаги турфа хил дов-дарахтлар ҳам қишлоқ бўйлаб эсгувчи ором бахш сабо қанотларида эрка ва латиф чайқалади.

Қуни кеча биз Маноқ далаларини айландик. эртанги юксак ҳиромларнинг тақдирини бугун яратаётган олтин қўлли пахтакорлар — азамат механизаторлар, заргар-заршунос сувчилар, ҳар бир туп ғўзани ардоқлаб, меҳр билан парвариш қилаётган ва мўл ҳосил нишоналари билан ясантираётган оддий деҳқонлар ҳузурида бўлиб, бақамти суҳбатлашдик. Уларга бир бор ҳорманг дейишнинг ўзидан олам-олам завқ-шавқ оллик.

Маноқ — Шовот районининг каттагина участкаси, йирик пахтакор зонаси. Бу деҳаладаги тўртта колхознинг ҳар бири бугунги кунда алоҳида-алоҳида ном билан аталадиган қишлоқ Советига эга. Бироқ, Маноқ деганда уларнинг ҳаммаси —«Партия XIX съезди» ва «Ўзбекистон», «Правда» ва «Коммунизм» колхозлари баравар назарда тутилади.

— Районимиз ҳар йили етиштираётган ялпи ҳосилнинг қариб минг тоннасини ўша участка — Маноқ зонаси хўжаликлари бунёд этишяпти, — дейди район партия комитетининг биринчи секретари Раҳимбой Тоҳирович Тоҳиров фахр билан. — Амалдаги йилда 51 минг тонналик хирмон учун кураш олиб борямиз. Маноқликлар бу йил ҳам ана шу ҳосилнинг 20 минг тоннасини ўз далаларида етиштириб беришга қатъий аҳд қилишган. Уларнинг бунёдкорлик меҳнати юксак аҳлга монанд бўлянти. Шу кунларда сув таҳқислиги туфайли юз берган қийинчиликларни ҳам маноқликлар ўзларининг тадбиркорликлари ва эпчилликлари билан мардоновор енгишяпти —барча пайкалларда мўл-кўл ҳосил тўплашяпти.

АСВАК

Бу шева сўзини воҳа кишиларигина тушунишади. Уни қийналиб тилга олади, «асвак», деса тепа сочи тикка бўлиб кетаверади Хоразм деҳқонининг. Ғўза зўр бериб ҳосил тўплаётган — гулларни кўсакларга айлантираётган долзарб, ҳар бир соати олтинга тенг кунларда-ку жиғи-бийрони чиқиб, иштар-ишламас бошини сарак-сарак қилади.

— Бай-бай, шуниси етмай турувди, — дейди ғўзаси учун юрак-бағри ачиниб, алам билан — Ўзи, шундоқ ҳам пайкалларни қондиролмай турганимизда бу ган ҳам чиқдими ҳали? Неча кунгача экан?

— Бир ҳафтагача, дейишяпти.

— Бир ҳафтагача? — қулоқларига ишонмайди деҳқон. — Ғўзалар гулларини тўкиб, қуриб-қақшаб қолади-ку. Ҳали бир кун чанқатиб қўйилса анча-мунча гулгунчасини тўкиб ташлайдию... Бир ҳафтала... Вой-бўй, энди нима қилдик?

— Э, оғайни, — тасалли беради «асвак» сўзини топиб келган деҳқон ўз ҳамкасбига, ўзи ҳам қанчалик қийналаётганини яшириша уриниб. — Энди бунинг бир чораси бор — у ҳам бўлса — тадбиркорлик...

Ҳа, асвакка ҳеч бир деҳқон рози бўлмайди, лекин начора: сув ҳамма ерга, ҳамма экинга керак. Дарёда сув эса камчил, уни воҳа территориясида Хоразмга ҳам, Туркманистон ССРнинг қўшни Тошовуз областига ҳам, Қорақалпоғистон АССРга ҳам экин майдонларини аниқ ҳисобга олган ҳолда тўғри тақсимлаш, бир қатрасини ҳам исроф қилмаслик керак. Бунинг учун эса республикалараро, районларараро ва хўжаликлараро каналлардаги сувдан навбат билан қатъий норма бўйича фойдаланиш лозим. Навбат — асвак эса фақат назорат остида амалга оширилади, негаки дарёдаги, бу демак каналлардаги оби-ҳаёт аниқ ҳисоб-китоб қилинган...

Қишлоқ Советининг кутубхонаси ва медпункт жойлашган марказий дала ҳовлисини ёнидан ўтиб кетаётиб, узоқдан гужумлар панасидаги икки-уч нафар кишига кўзимиз тушди. Бири оқ халат кийган жувон. Бирининг чеҳраси таништдай. Лекин, ким экан у?

Шийпонга яқинлашдик. Таниш чеҳрали киши енгги қариб елкасигача ҳимарилган ўнг қўлини шийпон айвончасидаги столга қўйганча бир маромда нафас олар, оқ халатли жувон тонометр ёрдамида унинг қон босимини ўлчаб кўраётган эди. Ҳамшира босим миқдорини айтиб, мижозга иккинчи қўлини тутишни буюрди. Узоқдан танишроқ кўринган киши шундагина биз томон бошини кўтариб ўгирилди. У колхоз раиси Йўлдош Ҳажиев эди. Биз уни дастлаб таний олмай ҳам қолдик: соқоллари ўсиб, юзлари оқариб кетган, кўзлари қорғинликданми, хасталикданми анча қисилган, кўринишидан ҳам ҳеч шубҳасиз, хийла бетобланиб қолганга ўхшарди. Ҳамшира унинг иккинчи қўли қон босимини ҳам қайта-қайта ўлчаб кўрди. Сўнг тонометрни йиғиштираётиб «Анча тушиб кетибди, — дедида, сумкасидан термометр олиб раисга узатди: — Чамамда ҳароратингиз ҳам баландроққа ўхшайди.

Иссиқ ўлчагич кўп ўтмай унинг тан ҳароратини ҳам аниқлаб берди: ўттиз тўққиз даража!

— Вой-бўй! — хитоб қилди ҳамшира. Бу аҳволда қандай қилиб юрибсиз. Етмасангиз бўлмайди, раис бува.

Йўлдошнинг юзига ғайриихтиёрий табассум югурди.

— Бу ёқда сув эса асвак бўлиб ётгандан кейин ҳаёлга ҳам келмайди, даволаниш, синглим, — деди у беозор, ўксик оҳангда. Навбат бўйича кеча очишлари керак эди сувни, лекин очишмади. Мана, бугун иккинчи ҳафта охирлаяпти-ю, сувдан ҳамон дарак йўқ.

Ҳамшира ўнғайсизланди.

— Тўғри-ю, лекин соғлиқ ҳам керак-да,— деди у бироздан кейин қимтиниб. — Соғлиқ бўлмаса...

— Бундай пайтда қайси бир деҳқон ўз соғлигини ўйлайди, дейсиз? — раис шийпон олди бўйлаб ястаган пайкал сари юзланди. — Буни қарант, япроқлари шалпайиб, «Сув! Сув!» деб турибди. Ҳатто мана шу сувни ҳам ўзимиз ичмай пахтага бердик, — сўнг у шийпон пешайвони рўпарасидаги каттагина ҳовузга ишора қилди. Шунча туриб биз ҳам эътибор қилмаган эканмиз — унинг қуриб ётганини шундагина фаҳмладик. Раис давом этди: — Ўзимиз бир чойнак чойни кам ичсак ҳам майли, лекин ғўзаларимиз чанқаб, ҳосилини тўкиб қўймасин, дейишди бригада аъзолари. Шундан сўнг жилдиратиб пахтазорга оқиздик, анча ердаги ғўза ниҳоллари «томогини ҳўллаб» олишди, Ахир, шуям ҳаётда!

Ҳамшира қиз раисга унинг иссиғини туширадиган укол ни қилди. Етиб даволанишига кўндиролмаслигига кўзи етиб, индамай кабинетига кириб кетди. Шундан кейингина раис биз билан бемалол суҳбатга киришди.

— Ҳозиргина Раҳим Қозоқов, Раҳимберган Отажонов, Шарифа Турсуновалар бошлиқ бригадаларни айланиб келиб турган эдим, — деди у бизни ғўза парваришидаги аҳвол билан таништиришга тутиниб. Ана шу бригадаларнинг пахтаси бироз қолоқ, ўсишдан орқада. Бунинг устига, мана бу асвак деганн баттар белга теппиб турибди. Сув навбати етди дегунча дастлаб ана шу бригадаларга берамиз. Бугун учовида ҳам «шарбат» қилиб оқизиш учун дала бошларига гўнг чиқартирдим. Сув таҳқислиги юз бераётган пайтда «шарбат» билан суғориш ернинг намини ачагина сақлаш имконини беради. Ғўза кўп ҳам чанқайвермайди. Айрим жойларда коилложликдан коллекторларнинг сувини ички ариқчаларга оқизиб қўйиш йўли билан ҳам далаларнинг намини сақлаб турибмиз...

Хўжаликда кекса-ю —ёш ҳамманинг фикри-зикри бир: у ҳам бўлса юбилей йилида 1127 гектар ернинг ҳар гектаридан 45 центнердан «оқ олтин» хирмони қўтариш, ялпи ҳосилнинг уч минг тоннадан ҳам кўпроғини «зангоғиб кема»лар ёрдамида йиғиб-териб олиш, ҳосилнинг камида 80 процентга яқинини юқори сортларга сотишдир. Ана шу мақсадда бу ерда бунёдкорлик кураши тобора қизитилмоқда. Парваришқ кун сайин авж олдирилиб, баракали ҳосил тўпланяпти. Ғўза қатор ораларига ишлов беришда 30 га яқин механизмдан юксак унум билан фойдаланилмоқда. 130 нафар гоят тажрибали сувчи агротехникасиз бу муҳим тадбирини оби-ҳаёт таҳқислиги юз бераётган бир шароитда ҳам ниҳоятда омилкорлик ва маҳорат билан ўтказиб, ибрат намуналарини кўрсатмоқда.

Хўжаликда уч марта комплекс ишлов кўрган пайкаллар деярлик ҳамма жойда бир зайлда дуркун ривожланяпти. Кўп ҳолларда асвак — навбат тартиби жорий этилганига қарамай ҳамма пайкаллар икки марта қондириб суғорилди. Ленин ордени ва қўш Меҳнат Қизил Байроқ орденлари кавалери, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсаттан пахтакор Иброҳим Юсупов, Жумабой Душамов, Жуманиёз Рўзимов бошлиқ 60 центнерчи бригадаларнинг коллективлари, коммунистлардан Раҳмон Рўзиматов, Шариф Юсупов, Қодир Рўзиматов сингари механизаторлар, Ойжон Тонгирова, Омонгул Норматова, Нормат Матмуродов сингари заргар сувчилар мўл ҳосил тўплаш мусобақасида алоҳида ҳиммат кўрсатиб, колхоз правлениеси ва партия комитетининг самимий олқишига сазовор бўлмоқдалар.

— СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллик юбилейини албатта ваъдага вафо қилиш билан муборакбод этамиз, — дейди Йўлдош Ҳажиев хўжалик меҳнат аҳлининг фикрини ифодалаб, комил ишонч билан. — Бу йилги хирмонимиз, ҳеч шубҳасиз, ҳар қачонгидан ҳам баланд бўлади.

МЕҲНАТ ТАРОНАСИ

«Коммунизм» колхози Маноқ участкасининг энг йирик хўжалиги. «Коммунизм»ликлар бу йил 5800 тонналик хирмон бунёд этишга, ҳосилдорлик кўрсаткичини 1400 гектар майдоннинг ҳар гектари ҳисобига ён қўшишлари «Ўзбекистон»чилар сингари 45 центнерга етказишга азму-қарор қилишган.

— Бу йил маррани жуда катта олдик, — дейди колхоз партия комитетининг секретари Шарифбой Ражабов. Унинг изоҳ оҳангида юксак бу довонни забт этишга бўлган ишончи бемалол акс этиб турар эди.— Чунки амалдаги йил кўкламида чигит экишни ҳамишагидан ҳам барвақт — 25 апрелгача тугаллаб қўйдик. Барча гектарларда тўлиқ ниҳол олинди. Парвариш ҳам дастлабки кунларданоқ ниҳоятда зардорчасига бўляпти. Айни пайтда пайкалларни учинчи марта шудгорга қўйдик. Икки марта мирқтириб суғордик.

— Асвак бўлсаям-а?

— Ўзи, сув таҳқис пайтларда навбат етди дегунча жуда ҳам мирқтириб суғориш керак. Шундай қилинса тупроқ узоқ вақттача намини йўқотмайди.

— Қўшниларингиз нуқул «шарбат» бериб суғоришар экан.

— Умуман, Маноқнинг ҳамма колхозларида шу усулда суғоришяпти ғўзаларни, — деди Шарифбой суҳбатда давом этиб. — Намни узоқ вақт сақлашнинг энг сара йўли «шарбат» усулида суғориш-да ўзи! Бунда тупроқ ҳам, ўсимлик ниҳоллари ҳам анчагина миқдорда озуқа моддалари билан таъминланади. Ер тафтини қочирмайди. Экин яраб ўсади.

Даладаги меҳнат сурони, яратиш ишқи партком секретарининг сўзларини юз фоиз тасдиқлаб берди. Шундай бўлиши ҳам керак, негаки колхоз ҳосилдорлик кўрсаткичини бир йилнинг ўзидаёқ гектар ҳисобига 9 центнерга оширишга қарор қилган!

Қатор бригадаларда эса бу рақам 15—20 центнергача кўпайтирилади. Бу эса бироқ, ундан фойдаланиш — ҳосилдорликни бундай кескин юксалтиришнинг ҳам ўзи бўлмайди. Буни тўғри тушунган колхоз меҳнат аҳли чинакамига бир ғайратга ўн ғайрат қўшиб, катта хирмон иштиёқида қаҳрамонона кураш олиб бораётир.

Бу ерда 50 —60 центнерчилик ҳаракати тобора кенг қулоч ёйдирилаётгани, бу ташаббусга 10 та бригада яқдил бўлиб қўшилгани ҳам амалдаги йилда кўзланаётган қўшимча ҳосил етиштиришнинг яна бир реал резервидир.

— КПСС Марказий Комитетининг май Пленуми қабул қилган қарорлар ғайратимизга ғанчалик зўр куч-қудрат қўшиб юборганини айтмайсизми?! — тўқинланиб кетди партком секретари. — Пленум белгилаб берган СССРнинг 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Озиқ-овқат программасини, уни амалга ошириш йўлларини колхозчиларимиз партия ҳукуматимизга миннатдорчилик ҳис-туйғулари билан кутиб олишди. Деҳқонлар бу программанинг амалга ошишига ҳисса қўшиш учун эммаларига шаҳсий мажбуриятлар қабул қилишди. Сабзавот, мева, узум, полиз, маккажўхори етиштириш бўйича амалдаги йилнинг ўзидаёқ оила пудрати кенг йўлга қўйилди. Биргина Кўзи Маткаримов хонадонининг ўзи бу йил 51 гектар ерда мўл-кўл, арзон ва сифатли пахта ҳосили етиштириш учун олиб борилаётган кураш, чиндан ҳам, авжи қизғин палада. Уларга бу борада аҳолига маиший хизмат кўрсатиш комбинати, район санитария-эпидемиология станцияси, маҳаллий саноат фабрикаси сингари қатор оталиқ ташкилотлар, муассасалар ва корхоналарнинг коллективлари ҳам яқиндан ёрдам кўрсатишмоқда. Колхоз механизаторлари, сувчилари, барча меҳнатчиларнинг фикри-зикри июль ойида катта сув таҳқислигини тадбиркорлик билан енгиш эвазига етиштирилган ҳосилга икки-уч баравар ҳосил қўйиш, бунинг учун қатор ораларига тағин икки марта, ривождан кейинда қолган майдонларга эса уч марта комплекс ишлов беришга қаратилган.

Юбилей йилининг юксак пахта хирмони учун бошланган зардор қўтаринкилик, авжли меҳнат суронини биз Қўчқор Қурбонбоев ва Дармонжон Сафаровалар дарғалик қилишаётган «Партия XIX съезди», «Правда» колхозларида ҳам юрак-юракдан ҳис этдик, дала кезиб заршунослар ҳимматига офаринлар ўқидик.

Биз Маноқ мадҳиясининг давомини олтин кузда битишга жазм этдик. Зеро, юбилей йилининг олтин кузи бу зонада янада серфайз ва сершукуҳ, сербаракаю сервавқ, мафтункору илҳомбахш бўлиши шубҳасиз. Бунга авж пардаларда янграётган бугунги бунёдкор меҳнат таронаси, яратувчилик жаҳҳасидаги жўшқин завқ-шавқ гувоҳ!

Юнус ЮСУПОВ,
Эркин МАДРАҲИМОВ,
Хоразм область Шовот районн.

Дунё овози
Чет эл хабарлари

СОЦИАЛИСТИК ИНТЕРНАЦИОНАЛИЗМ ПРИНЦИПЛАРИ АСОСИДА

ВАРШАВА. (ТАСС). КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Л. И. Брежневнинг ПБИП Марказий Комитети биринчи секретари, ПХР Министрлар Советининг Раиси В. Ярузельский билан Кримдаги дўстона учрашуви тўғрисидаги хабарни «Трибуна люду», «Жольнеж вольности» ва бошқа марказий поляк газеталарининг биринчи саҳифаларида эълон қилдилар. Ижтимоий фарлиятнинг ҳамма асосий соҳаларида Совет —Польша алоқалари социалистик интернационализм, тенг ҳуқуқлилик, суверенитетни ҳурмат қилиш, дўстона ўзаро ёрдам принциплари асосида узлуксиз мустаҳкамланиб бораётганлигини матбуот таъкидлаб ёзмоқда.

Польшанинг Совет Иттифоқи билан ва бошқа социалистик мамлакатлар билан ҳамкорлиги кенгайиши, деб уқтиради ПБИП Марказий Комитетининг органи — «Трибуна люду» газетаси,— Польша экономикасини соғломлаштиришга ёрдам бермоқда, уни муваффақиятли ривожлантириш истиқболларини вужудга келтирмоқда.

Шу билан бирга газета Польшанинг тангликдан қутулиш жараёнига пинхона контрреволюцион кучларнинг мавжудлиги ҳалақит бераётганини, уларнинг фаолиятига четдан, биринчи галда АҚШдан қутқу солиниб, мадад бериб турилганлигини уқтириб ўтади.

Ўтмишда бўлганидек ҳозирги пайтда ҳам, деб таъкидлайди «Трибуна люду» газетаси, Совет Иттифоқи билан Польша Халқ Республикаси Европа ва халқаро хавфсизлигини мустаҳкамлаш, қуролланиш пойгасини тўхтатиш, ҳарбий-сиёсий тангликларнинг ва янги жаҳон урушининг ҳавфини камайтириш йўлидан қатъият билан бормоқдалар.

Армиянинг «Жолнеж вольности» газетаси бундай деб уқтиради: Л. И. Брежнев ва В. Ярузельский ўртоқлар суверен давлатларга тазйиқ ўтказишнинг иқтисодий жазо чоралари сингари воситаларини ишга солаётган АҚШнинг ва НАТОдаги бошқа бир қанча мамлакатларнинг ҳаракатларини СССР билан ПХР кескин қоралаётганликларини таъкидлаб ўтдилар.

Америка маъмурияти Польшага мислсиз зўғим қилиш йўлига ўтиб олди, деб ёзади «Жолнеж вольности» газетаси. Бу сиёсат АҚШ империализмининг манфаатлари йўлида мамлакатдаги иқтисодий қийинчиликларни баттар мушкуллаштириш, вазиятини ёмон чиқариш мақсадини кўзлайди.

Л. И. Брежнев билан В. Ярузельскийнинг Кримдаги учрашуви тўғрисидаги хабар Марказий Польша радиоси ва телевиденеси орқали бир неча бор эшиттирилди. Кўрсатув ва эшиттиришларда турмушнинг ҳамма асосий соҳаларида қардошларча Совет — Поляк алоқалари мустаҳкамланиб бораётганлиги, ўзаро ҳамкорликнинг кенг истиқболлари мавжудлиги қайд этилди.

Польшанинг оммавий ахборот воситалари Л. И. Брежнев билан В. Ярузельскийнинг Кримдаги учрашуви сидқидиллик муҳитида ўтганини ва икки томонлама муносабатларни ривожлантириш масалалари юзасидан ҳам, шунингдек халқаро ишлар юзасидан ҳам фикрларнинг тўла бирлигини тасдиқлаганлигини таъкидламоқдалар.

ИНДОНЕЗИЯ—МОНГОЛИЯ БАЁНОТИ

ЖАКАРТА. (ТАСС). Индонезия билан Монголия ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантириш икки мамлакат халқларининг манфаатларига, Осиёда тинчлик ва хавфсизлик ишига хизмат қилади. МХР ташқи ишлар министри Мангалин Дугэрсурэннинг Индонезияга қилган визити якунлари юзасидан матбуот учун бу ерда эълон қилинган Индонезия—Монголия баёнотида шу ҳақида гапирилади.

Самарали музокаралар давомида, деб таъкидланади ҳужжатда, Монголия ва Индонезия ташқи ишлар министрлари халқаро вазиятнинг мушкуллашаётганлигидан ташвишланганликларини изҳор этдилар, ядро қуролини тақиқлашга қаратилган кучғайратни юксак баҳолядилар. Улар халқаро муносабатларда кучни ишлатмаслик Осиёда тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашнинг асосий шарти деб ҳисоблайдилар. Шу муносабат билан, дейилади баёнотда, Мохтар Кусумаатмажа Осиё ва Тинч океан давлатлари ўртасидаги муносабатларда ҳужум қилмаслик ҳамда кучни ишлатмаслик тўғрисида конвенция тузиш ҳақидаги МХР таклифини маълумот учун қабул қилди.

Томонлар Жануби-Шарқий Осиё халқларининг регионни тинчлик зонасига айлантиришга қаратилган кучғайратларини активлаштириш зарурлигини айтдилар. Улар ўз ҳукуматлари БМТнинг Ҳинд океанини тинчлик зонаси деб эълон қилиш тўғрисидаги резолюциясини амалга оширишга эришишга аҳд қилганликларини тасдиқладилар.

Министрлар Исроилнинг Ливанга қарши агрессиясини қораладилар, Исроил қўшинлари сўзсиз олиб чиқиб кетилишини талаб қилдилар, Фаластин проблемаси одилона ҳал этилишини қўллаб гапирдилар.

МХРлик меҳмон ҳамда унга ҳамроҳ бўлган кишилар Индонезия республикаси мустақил деб эълон қилинган кун муносабати билан ўтказилган тантаналарда иштирок этдилар ва президент Сухарто билан учрашдилар.

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СИСТЕМАСИ РИВОЖЛАНИШДА

АККРА. (ТАСС мухбири). Гана миллий мудофаа муваққат кенгаши эълон қилган «Соғлиқни сақлаш, халққа хизмат қилиши керак!» шиорини Гана маъмурлари изчиллик билан амалга оширмоқдалар.

Гана миллий мудофаа муваққат кенгаши маблағ, малакали мутахассислар етиштирилаётганлигига қарамай, соғлиқни сақлаш миллий системасининг талабларини қондирмоқ учун имкониятларни кидириб топмоқда. Гана миллий мудофаа муваққат кенгаши секретари И. Твум-Ампотонинг бу ерда берган хабарига қараганда, мамлакат ҳукумати чет мамлакатлардан 30 миллион седилик кўп миқдорда дори-дармон ва медицина асбоб-ускуналарни харид қилган. Улар республиканинг олис районларига жўнатилади. Илгариги ғарбпараст режимлар шу районларнинг эҳтиёжларини назарписанд қилмас эди, деб таъкидлади И. Твум-Ампото. Биз аҳолига медицина хизмати кўрсатишнинг самарали системасини йўлга қўйиш учун, деб таъкидлади у, бундан буён ҳам барча зарур ишларни қиламиз.

Гана соғлиқни сақлаш министрлиги, деб уқтириб ўтди И. Твум-Ампото, медицина олий ўқув юртларини битириб чиққан кишиларни ишлаш учун қишлоқ жойларга юбориш тўғрисида қарор қабул қилди. Қишлоқ жойларда малакали кадрларга бўлган талаб жуда ҳам катта. Врачларнинг катта группаси ишлаш учун республиканинг шимолий районларига тақсимланди. Соғлиқни сақлаш проблемалари билан шуғулланувчи миллий маслаҳат кенгаши мамлакатда хусусий врачларнинг фаолияти қатъий давлат контроли остига олинажагини эълон қилди.

Юқумли касалликлар келиб чиқишининг олдини олиш мақсадида айни вақтда Ганада мактабгача ёшдаги ва мактаб ёшидаги болаларни эмлаш кампанияси бошланди. Ҳамма областларда меҳнаткашлар турмушининг санитария-гигиена шароитларини яхшилаш юзасидан кенг тадбирлар ўтказилмоқда.

Ю. САВИЦКИЙ.

ЖАНГЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

БАҒДОД. (ТАСС). Ироқ—Эрон чегараси районида жанглар давом этмоқда. Ироқ бош қарбий қўмондонлигининг ахборотида қуйидагилар хабар қилинади: кеча уруш ҳаракатлари фронтнинг марказий участкасида, шунингдек Басра шаҳри районида авж олдириб борилди, бу ерда Эроннинг уч ҳарбий позицияси йўқ қилиб ташланди. Ироқ авиацияси Эроннинг чегара шаҳарларига ҳар куни бомба зарбаларини бермоқда.

ИНА Ироқ информация агентлигининг хабар беришича, Ироқ президенти С. Ҳусайн Ироқ Форс кўрфазининг шимолий районларини уруш зонаси, деб эълон қилганлигини, барча мамлакатларнинг кемалари бу районларга кирмаслиги зарурлигини маълум қилди. Бу районлар Эрон соҳилидан 65 километр нарида жойлашган кўрфаз экваториясини, шу жумладан Эроннинг энг катта нефть порти жойлашган Харк оролини ҳам ўз ичига олади.

ТЕҲРОН. (ТАСС). Эрон авиацияси кеча Ироқнинг Фао портидаги нефть иншоотларига зарба берди. Эрон қуролли кучлари бирлашган штабининг ва «Ислом революцияси посбонлари» корпуси марказий штабининг маълумотида Ироқ артиллерияси ўнг ҳажвобан Эроннинг Ободон шаҳрини ўққа тутганлигини кўрсатиб ўтилади. Аҳоли ўртасида ўлганлар ва ярадор бўлганлар бор. Ахборотда айтиладики, кечаги кун давомида Ироқ қўшинларидан 75 киши ўлдирилган, бир танк, тўртта бронетранспортёр мажақланган. Эрон ИРНА агентлигининг хабар беришича, асосий жанглар Шатт-ал-Араб дарёси бўйида бўлган.

Хашонбинь вилоятидаги Хоабинь қишлоғи кун сайин гўзаллашиб, ободонлашиб бормоқда. Бу ерда Совет Иттифоқининг техникавий ёрдами билан Вьетнамдагина эмас, бутун жанубий шарқий-Осиёда ягона бўлган гидроэнергетика комплекси бунёд этилмоқда. Комплекс билан биргаликда бетон заводи, ремонт устахоналари, автобаза, компрессор станцияси, мактаб, болалар боғчаси ва бошқа кўплаб маданий-маиший объектлар қад кўтармоқда.

Вьетнамнинг социал-иқтисодий ривожланиш планига асосан, 2 миллион киловатт-соат энергия ишлаб чиқарадиган мазкур гидрокомплекс тез орада қурилиб, ишга туширилиши керак.

Суратда: совет мутахассислари истиқомат қилаётган посёлкадаги Дўстлик хиёбонида дарахт кўчати ўтказиш пайти.

Т. Алейников фотоси.

(ТАСС фотохроникаси).

Уч рассом кўргазмаси

ПОЛОТНОЛАРДА — ЎЗБЕКИСТОН

Ўзбекистон рассомлар союзининг кўргазмалар залида республикамизнинг уч забардаст мўйқалам соҳиби — тематик полотнолар устаси Лутфулла Абдуллаев, плакатчи Георгий Ткачев ва ажойиб манзаралар мафтункори Виктор Петрович Зеликов асарларидан иборат виставкани санъат ихлосмандлари катта қизиқиш билан томоша қилмоқдалар.

Жаҳон пролетариатининг доҳийси Владимир Ильич Ленининг ёрқин образини яратиш қайси ижодкорни қизиқтирмаган дейсиз. Адабиёт ва санъатнинг барча жанрларида ижод қилаётган кишилар бу мавзуга мурожаат қилиб, ўз истеъдодларини синаб кўрганлар. Лекин, революция доҳийсининг одамлар қалбида ва хаёлида яшаётган ҳақиқий образини яратиш ҳаммага ҳам насиб қилавермайди. Ана шу машаққатли ва шарафли вазифанинг удласидан чиққан ёки мақсадга яқинлашган санъат усталари ўзларини бахтли деб биладилар. Республикамиз мўйқалам усталари орасида ана шундай шарафга эга бўлган — доҳийнинг ёрқин образини яратган санъаткорлардан бири Ўзбекистон халқ рассоми Лутфулла Абдуллаев бўлди. Кўргазмага унинг Ленин мавзуидаги қатор асарлари ҳам қўйилган.

Айниқса улардан нигитаси эътиборимни тортди. Бирида доҳийнинг одамларга боқиб турган кенг пландаги қиёфаси акс эттирилган. Гап шундаки, фақат доҳийнинг бош кўринишигина эмас, балки бу асарда ранг-тус ва ҳаракатлар ҳам ўзига хос бадиий ифодасини топган. Ҳаётбахш ранг-тус ва ҳаракатлар ҳеч шубҳасиз, ҳаётий ҳақиқатнинг ўзидан олинган. Ҳаётий ҳақиқат ва